

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Қўлдош Эргашев  
Ҳожиақбар Ҳамидов

# ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ

*(Қайта тўлдирилган учинчи нашри)*

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи  
Тошкент–2019

### **Масъул муҳаррир:**

**Қ. Усмонов**, тарих фанлари доктори, профессор

### **Маслаҳатчи:**

**И.Й. Турсунов**, тарих фанлари доктори, профессор

### **Такризчилар:**

**Б.В. Ҳасанов** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси “Тарихчилар жамияти” раиси;

**К.Каримов** – тарих фанлари доктори, профессор;

**Б.Ж. Эшов**, тарих фанлари доктори, профессор;

**Ф.Эрназаров**, тарих фанлари номзоди, доцент.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги нинг энг-Ўзбекистон янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи методик марказ ҳамда ўқув-услубий комиссия томонидан нашрга тавсия этилган.

(2013 йил 2 сентябрь 19 сонли баённома)

**Эргашев, .Кўлдош**

**Ҳамидов, Ҳожиақбар**

Ўзбекистон тарихи: ўқув қўлланма / Қ. Эргашев, Ҳ. Ҳамидов – Тошкент: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий ,уи 2019. – 688 б.

Мазкур ўқув қўлланмада Ўзбекистон, ўзбек халқининг қадимдан бугунги кунгача босиб ўтган бой ва қизиқарли тарихи ҳамда ундаги тарихий жараёнлар ҳолисона да-тарз ёритиб беришга ҳаракат қилинган.

Ушбу ўқув қўлланма талабалар, ватанимиз тарихидан дарс берувчи муаллимлар, шунингдек, ўз тарихини билишга қизиқувчи, ҳамда бугун мамлакатимизда кечаётган тарихий жараёнларга дахлдорлик ҳиссини туювчи барча юртдошларимиз учун мўлжалланган.

## **КИРИШ**

Ўзбекистон халқи 2018 йил 1 сентябрида ўз мустақиллигининг 27 йиллигини энг улуғ ва энг азиз байрам сифатида нишонлади. Ўтган бу давр ўзининг мазмун-моҳияти, бунёдкорлик кўлами ва беқиёс аҳамияти билан тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битилажак том маънодаги буюк бурилиш бўлди. Тарихан ақисқ, аммо асрларга тенг бу йилларда ўзбек халқи миллий тараққиёт йўлидан қатъият ва жасорат билан қадам ташлаб, барча синов-машаққатларни енгиб ўтди ва оламшумул ютуқларга эришди.

Тарихан қисқа даврда, аввало,эл -юртимизнинг хоҳиш-си-ирода, куч-қудрати, машаққатли ва бунёдкорона меҳнати эвазига жаҳон харитасида янги, ўз кучи ва салоҳиятига эга, бугун тараққиёт

йўлидан барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётган мустақил суверен Ўзбекистон давлатининг пайдо бўлиши, шубҳасиз, ўзбек халқининг тарихий ғалабасидир. Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўли – ўзбек моделининг мамлакат учун ҳал қилувчи бир пайтда энг тўғри, энг оқилона йўл сифатида танлангани, юртда яшаётган ҳар қайси инсон, ҳар бир оила, бутун жамият ҳаётида синовдан ўтиб, амалда ҳар томонлама ўзини оқлагани, бу йўл туфайли улкан натижаларни бутун дунё тан олаётгани, мамлакатнинг халқаро майдонда обрў-эътибори ортиб, ўзига муносиб ўрин эгаллаётгани Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги қарорида ҳам алоҳида эътироф этилди.

Истиқлолнинг 27 йиллик байрамини мамлакатда “Азиз ва яғонамсан жонажон Ўзбекистоним” шиори остида нишонланиши шу Ватанда яшаб фаолият юритаётган барча юртдошларнинг буюк келажакка ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Бугун эришган мустақилликни мустаҳкамлаш учун юрт фуқаролари бир-бирига меҳр-муҳаббатли, ватанпарвар, юртпарвар, керак бўлса, Ватан мустақиллиги йўлида жон фидо қилишга тайёр бўлишлари лозим. Бундай фазилатларни бутун халқимизга сингдириш ва шакллантиришда Ватанимиз тарихининг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Чунки ўз халқи, Ватани тарихини билган инсон ғурурли, ифтихорли ва ватанпарвар бўлади. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов айтганидек: “Инсон ўзлигини англагани, насл-насабини билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, юксала боради. Бу илдиз қанча чуқур бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар чексиз бўлади”<sup>1</sup>.

Ўзбек халқи бой тарих ва маданиятга эга халқ. Бу юрт жаҳон цивилизацияси бешиқларидан бири. Бу табаррук тупроқ не алломаларни-не, фозилу фузалоларни, олиму моларни-ула, давлат арбобларини саркардаларни етиштириб берган. Ўзининг қадим тарихида не босқинчилик-не ларининг-уруш гувоҳи бўлган, уларга қарши озодлик курашларини олиб бориб, ҳамиша ўзлигини, ғурури, тарихи, маънавияти, қадриятлари ва маданий меросини сақлаб қолди. Биз мустақилликка эришган бугунги кунда ана шундай юрт, халқ билан фахрланишга ҳақлимиз. Бугун ўз тарихини билмаган, тарихини унутган, тарихдан хулоса чиқармаган ҳар қандай инсон, ҳар қандай халқ ўз йўлидан адашиши, бир вақтлар йўл қўйган хатоларини такрорлаши мумкинлигини унутмаслик лозим. Бугун ҳар бир фуқаро ўзининг ҳаққоний тарихини билиш орқали бу юртнинг инсоният цивилизациясининг дастлабки ўчоқларидан бири эканлигини, давлатчилигимиз тарихи 3,5-4 минг йилларга бориб тақалишини, аجدодларимиз қадим-қадимдан шу юрт соҳиблари бўлганлигини, улар не босқинчилар-не мигадул бардош бериб, доимо озодликка интилиб, курашиб яшаганликларини, бу юрт илм-фан ўчоғи сифатида дунё тамаддунида ўз ўрнига эга бўлиш билан бирга, жаҳон илм-фан бешигини тебратган, дунёни лол қолдирган алломаларни, Амир Темурдек буюк саркарда ва давлат арбобларини етказиб берганини, бу юрт чор Россияси зулмини, турғунлик ва қатағонлар даврини бошидан ўтказган, ноҳақ тухматларга бардош берган, бахтли, саодатли кунларни орзу қилиб яшаган юрт фарзандларининг Ватани эканлигини, ўзбек халқининг илдизи мустаҳкам бўлганлиги боис бу халқнинг, бу юртнинг ,келажаги ,албатта буюк бўлишини теран англаб олади. Ватани тарихини билмоқ ва бу залворли манбанинг узоқ-яқин даврларига доир саҳифаларини варақламоқ ўзини маърифатли, шу юртнинг жонкуяри деб билган ҳар бир фуқаронинг

<sup>1</sup> „Ўзбекистон“Т.: –дир. -халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишонч –Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси .б-22 – .2000

виждон иши ҳисобланади. қат-Дарҳақи, миллат бўлиб шаклланган халқ ўз ўтмишини, ота-бобосини, ҳовли-жойи ва қишлоқ-қўрғонининг тарихини мукамал билиши шарт. Акс ҳолда Ватан туйғуси шунчаки ҳавойи тушунча, ватанпарварликка даъват эса ҳою ҳавасдан нарига ўтмай қолаверади.

Азиз китобхонлар!

Сиз ўз халқингиз тарихини ўқиб, аجدодларимиз жасоратларини, уларнинг шу юрт, шу Ватан учун жон фидо этганларини, бугунги сафдошларингиз мустақил тараққиёт йўлидан қандай дадил қадамлар ташлаб бораётганлигини билишга ва бу тарихимиздан ибрат олиб ҳаққоний ватанпарвар бўлишга ҳамда ўтмишимиздан фахрланиб, келажакка ишонч билан қарашга ҳақлисиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир”<sup>2</sup>.

Тарихимизнинг инсон тарбиясидаги муҳим аҳамияти, бугунги кечаётган жараёнларга ватандошларимизда дахлдорлик ҳиссини кучайтиришда тарихимизнинг ижобий таъсири қанчалик зарурлиги ушбу китобнинг яратилишига туртки берди.

Мазкур асарнинг ёзилишида бизга республикамизнинг кўпгина йирик олимлари монография, дарслик, ўқув қўлланмалари ва рисоалари йўлланма бўлиб хизмат қилди ва уларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз.

## **Ў БОБ: “ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ” ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, УНИ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК ТАМОЙИЛЛАРИ, МАНБАЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ**

### *Мавзу режаси:*

1. “Ўзбекистон тарихи” фанининг предмети.
2. “Ўзбекистон тарихи” фанини ўрганишнинг назарий-методологик тамойиллари.
3. Ўзбекистон тарихининг даврлаштирилиши ва манбалари.
4. Баркамол авлодни шакллантиришда Ватан тарихининг ўрни.
5. Тарихимизни ҳолисона ёритиш ва ўрганиш тамойилларининг ишлаб чиқилиши.

### **1. “ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ” ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ**

Барча фанлар сингари “Ўзбекистон тарихи” фани ҳам ўз предметиға эға.

**Тарих** – аслида арабча сўз бўлиб, “ўтмиш”, “ўтган воқеалар ҳақида аниқ ҳикоя қилиш”ни англатади. У одамзоднинг энг қадимги даврдан бугунги кунгача кечган ҳаётини, ўтмишдаги тарихий жараёнларни, турмуш тарзини, авлоддан-авлодға мерос сифатида ривожланиб, бойиб бораётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий, давлат қурилиши

---

<sup>2</sup>Т.: –Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичға қўтарамиз. .бет-жилд, 29-йил 1 2017 ,”Ўзбекистон“

соҳаларидаги тажрибаларини, ўз халқига бош бўлиб, уларга етакчилик қилган тарихий шахслар фаолиятини тартибга солиб ўрганувчи ва тасвирловчи фандир.

Алломалар, маърифатпарварлар ва давлат арбоблари тарихга қуйидагича таъриф берадилар:

**Цицерон:** “Тарих – бу даврнинг шоҳиди, ҳақиқатнинг шуъласи, хотиранинг умрбоқийлиги, ўтмишнинг элчиси демакдир.

Тарих у давр ғалвирларидан ўтган сари ёлғон-яшиқларнинг ярмисидан фориғ бўлибгина қолмасдан, балки ҳақиқат мағзига тўйина боради.

Тарихни қайта ёзиб ҳам, уни тузатиб ҳам бўлмайди”.

**Абдурауф Фитрат:** “Тарих миллатларнинг ўтмиши, тараққиёти ҳамда таназзулининг сабабларини ўрганатурғон илмдир”.

**Ибн Халдун:** “Тарих – бу шундай илмлар сирасига кирадики, уни халқлар ва элатлар бир-бирларидан ўрганиб, тарқатишга ҳаракат қиладилар, уни оддий фуқародан тортиб барча соҳа эгаларигача қизиқиб ўқийдилар, бу фанни тушунишда олимлару жоҳиллар тенглашишга баравар ҳаракат қиладилар.

Тарих – бу тадқиқот, ҳақиқатни тиклаш, жамики нарсаларнинг асоси ва ибтидосини аниқлаш, ходисалар моҳиятини ўрганишдир”.

**Ислом Каримов:** “Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади”.

“Тарих сабоқлари инсонни хушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди”.

“Инсон учун тарихдан жудо бўлиш ҳаётдан жудо бўлиш демакдир”.

“Тарих – халқ маънавиятининг асоси”.

Тарих – улуг мураббий, тарих – маънавий ва маърифий қурооллардан биридир. Тарих – миллат тарбиячиси, тарих – сабоқ бергувчидир.

“Тарихни билмаган киши ҳар қадамда хатога йўл қўяди, ўз тарихи билан фахрланмаган халқ эса ўз келажагини тасаввур қилолмайди”.

Инсон ўз тарихини ўрганиш, билиш орқали кишилик жамиятининг ривожланиш қонуниятлари, тараққиётининг босқичлари жараёнларини, инсонларнинг инқирозли ҳо-латга тушиш сабаблари ва бу ҳолатдан чиқиш йўлидаги тажрибаларини тушу-ниб олади, ўтмиш сабоқларидан хулоса чиқаради ва келажакда тўғри йўлдан бориш лозимлигини англаб етади. Шу жиҳатдан, тарих фани тарихий жараёнлар-нинг қонуниятлари ва анъаналарини тушуниб етишга, ҳозирги замонни тўғри англашга, келажакни асосли равишда кўра билишга кўмаклашувчи илм манбаидир.

Тарих кўп қиррали, кенг қамровли фан бўлиб, уни алоҳида мамлакатлар, халқлар, минтақалар тарихи, жаҳон тарихи кабиларга бўлиб ўрганиш ҳам мумкин.

Ҳар бир мамлакат, ҳар бир халқ ўзининг узоқ ва бетакрор тарихига эга. Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг тарихи бой ва сермазмун. Қадим замонлардаёқ Турон, Туркистон деб эътироф этилган Ўзбекистон турли тарихий ёзма ва археологик манбаларга кўра, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Миср, Рим каби қадимий ва буюк мамлакатлар қатори дунёда машҳур ҳисобланади. Ўзбекистон жаҳон тарихининг турли халқлар, тамаддунлар туташган энг қайноқ чорраҳаларидан бири сифатида бутун инсоният тарихининг шаклланишига маълум

даражада таъсир этиб борди. Шу билан бирга, аждодларимиз ҳаётида бошқа халқлар цивилизациясининг ҳам таъсири бўлди.

Халқимизнинг давлатчилик тажрибаси ҳам бой ва қадимий. Ўзбекистон ҳудудида дастлабки мустақил давлат тузилмалари бундан салкам 3000 йил муқад-дам (мил.авв. 1 минг йиллик бошларида) пайдо бўлиб, ўтган минг йилликлар даво-мида такомиллашиб, дунё давлатчилиги ривожига муносиб ҳисса қўшиб келди.

Ватанимиз тарихи фахрли ва ғурурли. Айнан шу тарихимиз орқали буюк бобо-ларимиз – Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, Абу Исо ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа юзлаб алломаларимизнинг жаҳон тамаддунига қўшган буюк ҳиссаларидан фахр ва ғурур туйғусини туямиз.

**“Ўзбекистон тарихи” фанининг предмети** халқимизнинг қадимдан бугунги кунларга қадар тарихий йўлини, бу йўлда кечган тарихий жараёнларни, аждодларимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий ҳаётини холисона ўрганишдан, тушунтиришдан иборат. Шу жиҳатдан “Ўзбекистон тарихи” фани қуйидаги вазифаларни бажаради:

– Аждодлар ҳаёти билан боғлиқ ҳолда содир бўлган воқеалар ривожининг мазмун-моҳиятини, сабаб ва оқибатларини, асрлар давомида тўпланган амалий тажриба ва сабоқларни;

– халқнинг халқ, миллат бўлиб шаклланиш жараёнларини, аждодларимиз қолдирган бой маънавий меросни, давлатларнинг ташкил топиши ва уларнинг ички ва ташқи сиёсатини;

– халқнинг мустақил тараққиёт йўлига кириши, мустақиллик йилларида миллий ҳуқуқий, демократик давлатчилик қурилиши, демократик-фуқаролик жамиятини шакллантириш, эркин бозор иқтисодиётига ўтиш, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш ва ўз ўрнини топиш борасидаги фаолиятини ўргатади.

Шу боис, “Ўзбекистон тарихи” фани халқимиз учун ижтимоий, сиёсий, тарбиявий, маънавий сабоқлар мажмуасидир. Бу фан барча ижти-мой-гуманитар фанлар билан боғлиқ ҳолда ўрганилади. Тарихчи олимларимиз Қ.Усмонов ва М.Содиқовлар қайд этганидек, инсоният ҳаётининг маъно-мазмун ва жамият тараққиётининг умумий қонуниятлари ҳақида фикр юритганда, фалсафа, давлат қурилиши ва жамиятни бошқариш масалаларида политология, иқтисодий ҳаётни ёритишда иқтисодиёт назарияси, халқнинг турмуш тарзи, тили ва миллий менталитетини тасвирлашда этнография, ўзбек тили ва адабиёти, диншунослик фанлари ютуқларидан фойдаланилади. Тарихшунослик, манбашунослик, архео-логия, архившунослик каби махсус фанлар тарих фалсафасини чуқур англаб етишга кўмаклашади.

## **2. “ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ” ФАНИНИ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК ТАМОЙИЛЛАРИ**

Миллий истиқлол ўзбек халқининг асрий орзуси, армони эди. Бу йўлда минглаб Ватан фидойилари азиз жонларини қурбон қилдилар. Миллий мустақилликнинг қўлга киритилиши катта ютуқ, унинг қадрига етиш, мустаҳкамлаш, авайлаб асраш мушкул вазифа. Ҳар қандай

мамлакатнинг қудрати, унинг миллий мустақиллиги давлат чегараларининг дахлсизлиги, ўша мамлакат фуқароларининг ўз юртига меҳр-муҳаббат билан тарбия топгани, Ватан мустақиллиги ва миллий истиқлол учун курашда зарур бўлса жонини фидо қилишга ҳам тайёр бўлишдек олий-жаноб фазилатларга эга бўлишларига боғлиқ. Бу фазилатларни халқ, юрт келажаги – ёшлар онгида қарор топтириш ва шакллантиришда Ватан тарихини ўрганишнинг ўрни ва имкониятлари чексиз.

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда ўтмиш воқелиги, тарих фанига бўлган муносабат давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мус---табид тузум даврида сохталаштирилган ўтмиш воқелиги хусусида тарихий адолат қарор топди, тарихни илмий ва холисона ўрганиш имконияти юзага келиб, таълим тизимида “Ўзбекистон тарихи” фани киритилди.

Мустақиллик йилларидаги “Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази” ҳақидаги, “Ўзбекистон ФА Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорлар, “Ўзбекистон тарихини яратиш концепцияси”нинг ишлаб чиқилиши, И.Каримовнинг 1998 йил июнь ойидаги бир гуруҳ тарихчилар билан учрашуви, “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”, “Юксак маънавият – енгилмас куч”, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” каби асарлари Ўзбекистон тарихини замонавий тарзда ўрганишнинг назарий-методологик асосларини шакл-лантиришга туртки бўлиб хизмат қилди.

Эътибор бериш лозимки, тарихнинг яратувчиси ва ижодкори бу – халқ. Бўлиб ўтган тарихий-маданий жараёнлар, воқелик ва ходисалар, ислохотларни халқсиз ва тарихий шахсларсиз тасаввур этиш асло мумкин эмас. Тарих халқнинг фикр-тафаккури ва дунёқарашининг ҳосиласи. Айнан шунинг учун ҳам – тарих ибрат мактаби бўлиб, ўтмишда йўл қўйилган нуқсонларни англаш ва улардан тегишли сабоқ чиқариш, хушёрлик ва огоҳликни тарғиб этувчи, бузғунчи ғояларга қарши туришга ундовчи, миллий бирлик, ҳамкорлик ва бағрикенгликка чақирувчи беқиёс ибрат мактабидир. Шунингдек, халқ хотираси, ўтмиш, ушбу ўтган тарихийликни ўқувчиларга ҳақиқий етказиш тарихни фан даражасига кўтаради. Тарихни фан сифатида ўқиш, ўрганиш, талқин этиш ва чуқур англаб етиш бевосита илмий тадқиқотларнинг самараси ҳисобланади. Фақат илмий тадқиқотлар орқалигина бўлиб ўтган тарихий-маданий жараёнларни холис таҳлил қилиш ва мантиқий талқин этиш қиёсий ва танқидий солиштириш асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, тарихий дунёқараш асосида воқеа-ходисалар, тарихий жараёнларга баҳо бериш, тарих фалсафасини англаб етиш имкониятлари кенгайди. Айнан шунинг учун ҳам тадқиқотлар натижаларини доимий равишда фанга жорий этиб бориш методологик жиҳатдан улкан аҳамият касб этади.

Мустақиллик бизга барча имкониятлар билан биргаликда ҳаққоний тарихни ёритиш ва ўрганиш имкониятини ҳам берди. Шу жиҳатдан тарихни ёритиш ва ўрганишда биринчи навбатда билиш назариясининг **диалектик методидан** фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Олам ягона ва яхлит, барча ҳодиса-воқеалар умумий ва ўзаро боғлиқликда, узлуксиз ҳаракатда, зиддиятли таракқиётда бўлиши диалектика тамо-йилларидир. Диалектик

методология барча мамлакат ва халқ тарихини, шунингдек, Ўзбекистон тарихини жаҳон халқлари та-рихи билан боғлиқ ҳолда ўрганишни талаб этади.

Ўзбекистон тарихи Марказий Осиё мамлакатлари тарихи билан, қолаверса, башарият тарихи билан чамбарчас боғланган. Қадимдан бугунгача Ўзбекистон Марказий Осиё ва кўшни минтақадаги кўпгина давлатлар билан ягона иқтисодий ва маданий маконда бўлиб келди. Бу катта ҳудудда яшов-чи уруғ, қабила, қавм, элатлар этник жиҳатдан доимо ўзаро таъсир ва алоқада бўлган, кўшилиш, аралашуш жараёнларини бошдан кечирган, уларнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаёти бир-бири билан узвий боғлиқликда ўтган. Бу ҳолатлар Ўзбекистон тарихини кўшни мамлакатлар тарихи билан боғлиқ ҳолда ўрганишни тақозо этади. Қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, туркман, тожик, форс, афғон, ҳинд, араб ва бошқа халқлар тарихини қанчалик яхши билсак, Ўзбекистон халқлари тарихини шунчалик чуқур, ҳар томонлама ўрганишга имкон яратади, кўмаклашади.

Тарихий воқеа-ҳодисаларни таҳлил этиш, ёритиш ва ўрганишда **холисона, ҳаққоний, адолатли ва илмий ёндашув** муҳим методологик қоида ҳисобланади. Холислик қоидаси тарихий воқеа-ҳодисаларни ўрганаётганда, улар билан боғлиқ барча жараёнларнинг ҳеч бир истисносиз бутун мажмуани бирга олиб текширишни, аниқ, ҳаққоний далилларга асосланиб ишлашни талаб қилади. Тарихий ҳодисаларни бир бутун ҳолда ўзаро алоқада ва муносабатда текшириш лозим.

“Ўзбекистон тарихи” дарслигини яратган тарихчи Қ.Усмонов, М.Содиқов ва С.Бурҳоновалар тўғри таъкидлаганларидек, “Тор доирада туғилган бир ғояни, уйдирмани оқлаш лозим бўлса, фактлар силсиласидан фақат айримларини, мос келадиганларинигина танлаб олиш “тажрибаси” сир эмас... Бу усулда чиқарилган хулоса ёки баҳо холисона, ҳаққоний бўлмай, у бир томонламаликка олиб келади”.

Истиқлолнинг бизга берган имкони, давлатимизнинг тарихимизга муҳим эътибори, тарихчи олимларнинг саъй-ҳаракатлари билан ўзбек давлатчилиги, ўзбек халқининг этник шаклланиши жараёнлари, Амир Темур ва темурийлар даври, XIX аср охири ва XX аср бошлари ҳамда советлар даври тарихи ҳаққоний ва холисона ёритилди.

Тарихий воқеа-ҳодисаларни ўз даврининг аниқ тарихий шароитдан келиб чиққан ҳолда ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Воқеа-ҳодисаларни ўрганишда тарихий ривожланиш жараёнига эътибор қаратмоқ зарур. Шу жиҳатдан тарихни ёритиш ва ўрганишда тарихийлик методологияси муҳим ўрин тутди. Ҳар бир воқеа-ҳодисани бошқа воқеа-ҳодиса билан боғлаб ўрганилгандагина мазкур воқеа-ҳодисаларнинг умумий тарихий жараёнидаги ўрнини тўғри аниқ-лаш, белгилаш мумкин бўлади. Ҳар бир воқеа-ҳодисага умумий тарихий жараённинг бир қисми, бир бўлаги деб қарамоқ зарур. Уларнинг қандай тарихий ша-роитда, муҳитда пайдо бўлганлигини, ўз тараққиётида қандай асосий бос-қичларни ўтаганлигини, кейинчалик у қандай бўлиб қолганлигини билиш тарихийлик қоидасининг асосий талабидир.

Тарихийлик методологияси халқнинг ўтмишини, ҳозирги замон ва келажagini ягона табиий тарихий жараён деб, ўтмиш ҳозирги замонни яратди, ҳозирги замон келажакни яратади, деган тараққиёт қонуни асосида қарайди. Ўтмишни, аждодларимиз тарихини қанчалик яхши билсак, англаб етсак, ҳозирги замонни, мустақиллик мазмун-моҳияти ва аҳамиятини мукамал тушунамиз, келажакни тўғри тасаввур этамиз. Тарихий жараёни



Ўрганишда ижтимоий ёндашув тамойилига ҳам риоя қилмоқ зарур бўлади. Ижтимоий ёндашув методологияси тарихий жараёнларни аҳоли барча табақаларининг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ўрганишни тақозо этади. Воқеаларни алоҳида бир ижтимоий табақа – камбағаллар, йўқсиллар ёки мулкдор, бойлар манфаати нуқтаи назаридан туриб таҳлил этиш, ёритиш бир томонлама ёндашув бўлиб, у тарихни сохталаштиради, тўғри хулосага олиб келмайди.

Мамлакат юртбошисиз, бошлиқсиз, давлат идора органларисиз, бошқарув-чиларсиз, амалдорларсиз бўлмаслигини исбот этишнинг ҳожа-ти бўлмаса керак. Шундай экан, барча давлат арбобларини, амалдорларни ёппасига қоралаш тўғри эмас. Ўзбекистоннинг кўҳна тарихи ҳам ўтган ҳукмдорлар, давлат арбоблари орасида халқпарвар, маърифатпарвар, адолат билан сиёсат юргизганлари кўп бўлганлигидан гувоҳлик беради.

Ижтимоий ёндашув тамойили давлат арбобларининг, сиёсий кучлар, партиялар, турли уюшмалар, улар йўлбошчиларининг тарихий тараққиёт даражасига кўрсатган ижобий ёки салбий таъсирини, жамиятда у ёки бу йўлдан ривож-ланишдаги ролини билиб олишда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон тарихини ўрганишда миллий қадриятлар, халқ анъана ва урф-одатларини, дин тарихи, одамларнинг диний эътиқодлари, диний таълимотлар ва уларнинг асосчи-лари фаолиятини таҳлил қилишда, ёритишда **ворисийлик** тамойилига амал қилиш, уларга ҳурматлаш, эъзозлаш нуқтаи назаридан ёндашмоқ керак. Ҳаёт халқнинг неча минг йиллар давомида яратган маънавий маданиятини, ахлоқий мезонларини иккига: эксплуататорлик маданияти ва ахлоқи ҳамда эксплуатация қилинув-чилар маданияти ва ахлоқига бўлиш ва биринчисини қоралашдан иборат большевикларча йўриқноманинг нақадар зарарли эканлигини кўрсатди. Маънавий меросга бундай ёндашув маънавий қашшоқланишга, миллий қадрият ва урф-одатларнинг оёқ ости қилинишига олиб келганлигини ҳам унутмаслик керак.

Ўтмишнинг тарихий жараёнларини таҳлил этиш, ёритиш ва ўрганишда **Ватан манфаати нуқтаи назаридан ашишён**, миллий истиқлол ғояси тамойилларига таяниб иш тутиш жуда муҳим ҳисобланади.

Ватан ва халқ тарихини ўрганишда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, мақола ва нутқлари, Фармон ва қарорлари, истиқлол йилларида қабул қилинган Қонун ва меъёрий ҳужжатлар ҳам муҳим назарий-методологик асос сифатида хизмат қилади.

Тарихни ўрганишда юқоридаги назарий-методологик қоидалар билан бир қаторда, далилларни таққослаш, мантикий-қиёсий хулосалар чиқариш, даврлаштириш, социологик тадқиқотлар ўтказиш, статистик, математик ва бошқа усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

### **3. ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИНГ ДАВРЛАШТИРИЛИШИ ВА МАНБАЛАРИ**

Ўзбекистон тарихини ёритиш ва ўрганишда уни тўғри даврлаштириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Узоқ давр мобайнида тарихни ўзлари билганларича даврлаштиришлар тарихни

ёритиш ва ўрганиш борасида бузилишларга олиб келди. Собиқ иттифоқ даврида Ўзбекистон тарихига оид ёзилган адабиётлар учун марксизм-ленинизм классикларининг асарлари, ҳукмрон партия ҳужжатлари, давлат раҳбарларининг маъруза, нутқ, мақола ва асарлари, Россия, Рим тарихчилари, адиб ва олимлари асарлари асосий манба бўлиб хизмат қилган эди. Ўзбек аллома ва мутафаккирлари: Беруний, Хоразмий, Ибн Сино, Форобий, Аҳмад Фарғоний, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Кошғарий, Наршахий, Алишер Навоий, Улуғбек, Низомиддин Шомий, Шарафуддин Али Яздий, Хондамир, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абулғозий, Муҳаммад Солиҳ ва бошқа жуда кўплаб дунёга машҳур алломаларнинг нодир асарлари ва мерослари нафақат эътибордан четда қолдирилди, ҳатто уларни йўқотишга уринишлар ҳам бўлди.

Собиқ иттифоқ таркибидаги халқлар тарихи, жумладан, юртимиз ва халқимиз та-рихи синфий кураш, инқилобий ҳаракатларга асосланган марксча қарашларга мос ҳолда даврлаштирилди. Шу боис, фанда ибтидоий жамоа, кулдорлик, феодализм, капитализм, социализмга бўлинган даврлар ўрин олди.

1991 йилгача тарихни даврлаштириш масаласида бошқа ёндашувлар ҳам мавжуд эди. Археолог олимлар меҳнат қуроллари қандай материалдан ясалганлигини асос қилиб олиб, инсоният тарихини қадимги тош, ўрта тош, янги тош, мис-тош, бронза, темир даврларига бўлган эдилар. Хориж олимларидан Л.Морган ва Ф.Энгельс тарихни уч даврга: ёвво-йилик (тайёр табиат маҳсулотларини ўзлаштириш), ваҳшийлик (чорвачилик ва деҳқончиликнинг вужудга келиши) ва цивилизация (саноат ривожланиши) даврига бўлган бўлсалар, бундай даврлаштириш номукамал эканлигини ҳаётнинг ўзи исботлади ва рад этди.

Мустақиллик йилларида тарихга янгича ёндашув, уни ҳаққоний яратиш борасидаги вазифалар таниқли тарихчи олимларни бу масалага аниқ мазмун ва моҳият киритишига имкон яратди. Таниқли тарихчилардан академик А.Асқаров ва Э.Ртвеладзе тарихни даврлаштириш борасида бугунги кун нуқтаи назаридан келиб чиқиб, янги ижобий фикрларни олдинга сурдилар. Масалан, академик А.Асқаров жамият ҳаётида юз берадиган туб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, Ўрта Осиё тарихининг ривожланиш даражаси ва шу минтақа тарихи тақозо этган ҳолатлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон тарихини даврлаштиришдаги асосий омилларни изоҳлашга ҳаракат қилди.

Назаримизда, ҳар бир давр қайси аср ва йилларни ўз ичига олишини аниқ кўрсатиб ва олтинчи даврни “Ўзбекистоннинг энг янги тарихи” даври деб номлаб, қуйидаги тартибда бериш мақсадга мувофиқдир.

| № | Даврларнинг номланиши  | Даврлар асри ва йиллари                   |
|---|--|---|
| 1 | Ибтидоий жамоа тузуми даври                                    | Мил.авв. 1 миллион – III минг йилликлар   |
| 2 | Қадимги давр: давлатчиликнинг шакл-ланиши ва ривожланиши даври | Мил.ав II минг йилликлар – Милодий IV аср |
| 3 | Ўрта асрлар даври  | Милодий V – XIX аср ўрталари              |

|   |   |                             |
|---|---|-----------------------------|
| 4 | Россия империяси<br>мустамлакачилиги даври    | XIX аср 2 ярми – 1917 йил   |
| 5 | Мустабид совет ҳокимияти<br>ҳукмронлиги даври | 1917 – 1991 йиллар          |
| 6 | Ўзбекистоннинг энг янги тарихи даври          | 1991 йилдан бугунги кунгача |

Олтинчи даврни “Ўзбекистоннинг энг янги тарихи” даври деб нишининг-номла муҳим сабаби, Ўзбекистон 1991 йил 31 августда мустақилликка эришди ва ўзининг энг янги тарихини бошлади. Бу даврда ўзбек халқи мустақил тараққиёт йўлидан бориб, қисқа фурсатда асрларга татиғулик йиллар деб аталаётган шарафли даврни босиб ўтди ва Ўзбекистон жаҳон миқёсида ўз ўрнини топди. Тарихий жараёнлар, ўтмиш халқлар ҳаёти ва фаолияти тарихининг сақланиб, бугунгача етиб келишида тарихий манбалар муҳим ўрин тутиб, улар бизга ўтмиш хабарчилари сифатида хизмат қилади.

### *Тарихий манбалар*

|  |   |
|--|---|
| <b>Моддий манбалар<br/>ва археологик<br/>ёдгорликлар</b> | Меҳнат қуроллари<br>Ҳарбий қурол-яроғлар<br>Танга пуллар<br>Тақинчоқлар ва зеб-зийнатлар<br>Уй-жойлар, қабрлар<br>Уй-рўзгор буюмлари, деворий тасвирлар<br>Қалъалар, шаҳарлар ва бошқалар   |
| <b>Ёзма манбалар</b>                                     | Ёзув белгилари<br>Тошга, териға, қоғозға ёзилган<br>маълумотлар<br>Халқлар ҳаёти, юз берган воқеа-ҳодисалар ҳақида<br>ёзилган китоблар<br>Давлат бошлиқларининг ёзма шаклдаги фармонлари.<br>Ер, қимматбаҳо нарсаларни инъом қилиш, мерос<br>қолдириш, сотиб олиш бўйича расмийлаштирилган<br>ҳужжатлар |

Мил.авв. I минг йиллик давридаги аждодлар тарихини ўрганишда “Авесто” китоби муҳим ёзма манба ҳисобланади. Унда ўша даврдаги ижтимоий-иқти-содий муносабатлар, дастлабки давлат тузилмаларининг шаклланиш жараёнлари ўз ифодасини топган.

Юрт ва аждодлар тарихига оид маълумотлар Юнон ва қадимий Рим манбала-рида, чунончи, Геродот, Полибий, Арриан, Страбон, Курсий Руф ва бошқалар-нинг асарларида ҳам учрайди. Уларнинг ёзиб қолдирган маълумотлари тўпланиб, таҳлил этилган.

Ўзбекистон тўғрисида тўла тасаввур ҳосил қилиш учун Ўзбекистон та-рихи, Темурийлар тарихи давлат музейлари, ўлкашунослик ва бошқа музейлар, Самарқанд, Бухоро, Хива,

Шахрисабз, Қарши, Урганч, Тошкент ва бошқа шаҳарлар, улардаги тарихий ёдгорликларни бориб кўрмоқ лозим. Улардаги аجدодлар қолдирган моддий ва маънавий ёдгорликлар билан танишиб, ўзбек халқининг меҳнати, ақл-заковатининг азалдан юксак бўлганлигини қалбан ҳис этамиз, бу юксаклик бизга ҳам мерос эканлигини тушуниб этамиз.

#### 4. БАҲАМОЛ АВЛОДНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ВАТАН ТАРИХИНИНГ ЎРНИ

Ўзбек халқи ўз мустақиллигини қўлга киритиб, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиб интеграциялашув жараёни кучаяётган экан, тарихнинг комил инсонни тарбиялашдаги ўрни янада беқиёслик касб этмоқда. Келажакни ўйлаган ҳар бир халқ ўз ўтмишини билиши зарур. Айниқса, буюк ва бой тарихга эга Ўзбекистоннинг бугунги халқи бундай тарихдан сабоқ олиши яна ҳам муҳим. Бошқа фанлардан фарқли ўлароқ, тарих сабоқ бергувчи фандир. Тарих ўтмиш, бугун ва келажак ўртасида кўприк ролини ўтаб, инсонларга ўзликни англатади. Тарихга ўз натижаси ва самараси жиҳатидан асрларга татигулик 27 йилдан ортиқроқ мустақиллик даври тарихи ҳам қўшилиб, унинг сабоқ бергувчи жиҳатлари янада юксалди.

Бугун мустақил тараққиёт йўлидаги ислохотлар тобора чуқурлашиб бормоқда. Бу жараёнда бот-бот эътироф этилаётганидек, Ўзбекистонда кучли ҳуқуқий-демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини қуриш кўп жиҳатдан ёшларнинг маънавий дунёси ва касб маҳоратига боғлиқ. Ёшларда миллий ғояни, юксак маънавий фазилатларни шакллантиришда, миллий онг ва соғлом ғурурни уйғотишда, уларни Ватан, халқ ва истиқлол тақдири учун фаол курашчи, комил инсон қилиб тарбиялашда “Ўзбекистон тарихи” фанининг аҳамияти беқиёс.

Мустақиллик шарофати билан Ватан тарихини ўрганиш ва ўқитишга бўлган муносабат тубдан ўзгариб, Ўзбекистон тарихини ёритиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси яратилди. Бу фан бўйича янги ўқув дас-турлари, дарслик ва қўлланмалар тайёрланмоқда.

Тарихий хотираси бор, айниқса, ўз халқи, мамлакати, давлати тарихини пухта билган фуқаро ватанпарвар, фидойи, элсевар, садоқатли бўлади, аجدодлари руҳидан мадад олади, она Ватанни чуқурроқ севади ва қадрига кўпроқ етади. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, ёшларни тарих билан қуроллантиришимиз ва яна бир бор қуроллантиришимиз лозим<sup>3</sup>. Тарих – маърифий қуроллардан, халқни маданий етук қилиб тарбиялаш воситаларидан бири, чунки тарих тарбияни тўғри йўлга солиб туради. Тарихий далил ишон-чли ҳужжат сифатида нишонга – кишининг онги ва қалбига аниқ етиб боради, унинг ўзига бўлган ишончини ошириб, мустаҳкамлайди.

---

<sup>3</sup> .Қаранг – .1998 ,”Шарқ“Т.: –Тарихий хотирасиз келажак йўқ. .Каримов И.А 25-б.

Бугунги кунда миллий истиқлол ғоясини яратиш, уни кишилар онгига сингдириш ҳаётий зарурат даражасига кўтарилди. Бу ҳаётий эҳтиёжда ҳам Ватан тарихи муҳим роль ўйнайди. Шу жиҳатдан қараганда, Ватан тарихини билиш ёш-ларнинг умумий савияси, сиёсий дунёқарашининг ошишига, уларда мустақил тафаккурнинг шаклланишига хизмат қилади.

Ўз халқи, Ватани тарихини билган инсон ғурурли, ифтихорли бўлади. И.А.Каримов таъбири билан айтганда, “Маънавиятини тиклаши, туғилиб ўсган юртида ўзини бошқалардан кам сезмай, бошини баланд кўтариб юриши учун инсонга, албатта, тарихий хотира керак”<sup>4</sup>. Агар инсон ўз ўтмишини яхши билса, уни йўлдан уриш ҳам, ҳар хил ақидалар таъсирига тушириш ҳам мумкин эмас. “Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди”<sup>5</sup>. И.Каримовнинг 2012 йил 9 май куни оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюсида 1990, 1998 йиллардаги тарихий хотира ҳақидаги фикрларини тўлдириб, тарихий хотира тушунчасига ҳар томонлама илмий ва ҳаётий асосда: “Тарихий хотира – бу умр мазмунини, авлодлар ўртасидаги ворислик туйғусини, уларнинг бир-бирига дахлдор эканини, ҳаётнинг бамисоли узвий ҳалқалар каби кетма-кет боғланишини англаш, тарихдан хулоса чиқариб, бугунги кун учун тўғри йўл танлаш, ота-боболаримизнинг руҳи покларига ҳурмат билан қараш, миллий кадрият ва анъаналаримизни топташга йўл қўймаслик, уларни кўз қорачиғидек асраш демакдир”.

Чиндан ҳам, тарихий хотира одамни беғамлик ва бефарқлик туйғуси-дан уйғотади, уни ғафлат ботқоғига ботиб қолишига йўл қўймайди.

Ватан мустақиллиги йўлидаги кураш тарихидан сўз кетар экан, бу йўлда ўз юртининг озодлиги ва халқининг бахт-саодати учун ҳаёт-мамот жанглирида жонини қурбон қилган аждодларнинг муқаддас номларини ғурур билан тилга олиб ўтиш жоиз. Тўмарис, Широқ, Спитамен, Наж-миддин Кубро, Темур Малик, Жалолiddин Мангуберди, Маҳмуд Торобий, Амир Темур, Номоз Примқулов, жадидчи маърифатчилар, совет даврида қатағон қилинганлар озодлик учун кураш олиб бордилар ва уларнинг номлари келгуси авлодлар хотирасида абадий сақланиб қолди.

“Ўзбекистон тарихи” фани ёш авлодни Ватан мустақиллиги йўлида ҳар қандай қийинчиликлардан чўчимасдан курашадиган, халққа, ўз Ватанига чин дилдан хизмат қиладиган инсонлар қилиб тарбиялашда муҳим роль ўйнайди. Шунини ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, жонажон Ватан – Ўзбекистон фақат ўзининг саркардалари ва давлат арбоблари билангина эмас, балки жаҳон маданиятига муносиб ҳисса қўшган фозилу фузалоларни етиштириб берганлиги билан ҳам дунёга машҳурдир. Бу жиҳатлар ҳам тарих орқали инсонларда ғурур, аждодлари билан фахрланиш туйғусини уйғотади.

Мустақиллик даври тарихини йиллар билан эмас, амалга оширилган янгиликлар ва ислохотлар самараси билан ўлчаш ўринли. Ўтган йигирма етти йил давомида амалга оширилган ишларга назар ташланса, уларнинг кўлаמידан кўнгишлар ифтихорга тўлиши,

---

<sup>4</sup> ,Ўша манба 8-б.

<sup>5</sup> ,Ўша манба 9-б.

шубҳасиз. Мамлакат иқтисодиётини юксалтириш, муҳофазат қудратини ўстириш, миллий маънавиятни тиклаш, давлатчиликни -мустаҳкамлаш – буларнинг барчаси тинимсиз курашлар эвазига қўлга киритилди.

“Ўзбекистон тарихи”ни ўқитишда тарихнинг ўзи улўғ мураббийлиги, мустақилликнинг ўтган даврида эришилган натижалар эндиги мақсад ва вазифаларни белгилашда, ўтмишдан олинган сабоқлар кўп нарсаларни олдиндан кўра билиш ва хатоларнинг олдини олиш, ғанимларнинг ҳийла-найрангларида огоҳ бўлиш ўзбек халқининг ўз йўлини белгилашида замин бўлишини талабалар онгига сингдириш шарт.

Ҳар қандай дипломли мутахассисни ҳам зиёли деб бўлмайди. Ҳақиқий зиёли бўлиш Ватан, халқ, жамият тарихини, аجدодлар ўтмишини илмий жиҳатдан билишни тақозо қилади. Ўтмишда эришилган ютуқлар ва уларнинг аҳамияти, йўл қўйилган хатокамчиликларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда оқибатларини холис таҳлил қилиш халқ тақдирида, мамлакат ривожидида, тарих сабоқларидан тегишли хулосалар чиқариш, ватанпарвар, тараққийпарвар ва халқпарвар зиёлилар авлодини тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон тарихи бой ва ранг-баранг. Унинг ҳудудлари энг димги-қа даврлардан бошлаб жаҳон тамаддуни ўчоқларидан бири ҳисобланиб, бу ерда дунё цивилизациясидаги маҳаллий халқларга хос тарихий, маданий жараёнлар бўлиб ўтган. И.А.Каримов ўзининг 1998 йилда ёзган “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асарида Ўзбекистон тарихини ёритиш ва ўрганишнинг бугунги аҳволи ва истиқболини чуқур таҳлил этиб, бу йўналишда тарихчи олимлар олдида қатор вазифаларни қўйди. Ушбу вазифалардан энг муҳими, мизни-жамияти ислоҳ қилиш, янгилаш жараёнини бошқарадиган ва таъминлайдиган, янгича фикрлайдиган ёшларни тарбиялаш, энг муҳими, улар онгида Ватанга садоқат ҳиссини кучайтириш, миллий истиқлол ғояларини янада чуқурроқ сингдириш ва теран англашдан иборат.

Шу тариқа, Ватан тарихи халққа, мамлакат келажаги бўлган ёш авлодга қўйидаги эзгулик ҳислатларини камол топтиришда хизмат қилади:

**Биринчидан**, Ватан тарихи ёш авлод онгида ғоявий-сиёсий, назарий-илмий дунёқарашни шакллантиришда, воқеа-ҳодисаларга тарихий нуқтаи на-зардан ёндашадиган ҳар томонлама етук, баркамол инсонни тарбиялайди;

**иккинчидан**, Ватан тарихи фани мустақил Ўзбекистон ёшлари онгида миллий виждоннинг уйғониб шаклланишига кўмаклашади. Улар аجدодларимиз тарақ-қиёт йўлининг тарихий тажрибасини ўргангандагина, уларда истиқлол тафаккури, ҳозирги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий турмушни ўтмиш билан қиёслаш ҳамда келажакка назар солиш малакаси шаклланади, миллий жиҳатдан уйғонади. Миллий ўзликни англамасдан, миллий тафаккурни шакллантирмасдан туриб байналмилалчилик ҳақидаги ҳар қандай ғоя ва қарашлар мантиқсиз эканлигини англайди;

**учинчидан**, Ватан тарихи фани ёшларни оташин ватанпарварлик анъаналари руҳида тарбиялайди. Тарих фанининг деярли ҳар бир мавзуси бу борада бой имкониятларга эгадир;

**тўртинчидан**, Ватан тарихи ёш авлодни улўғ халқнинг олижаноб миллий кадриятлари ва ахлоқий фазилатлари, ҳалоллик ва поклик, одиллик ва адолатлилик, инсонпарварлик ва

ростгўйлик, меҳнатсеварлик ва камтарлик, иймон-эътиқодлилик руҳида тарбиялайди. Ватан ва халқ олдидаги бурчга садоқатни қарор топтиради;

**бешинчидан**, Ватан тарихи фани ёшларни байналмилалчилик руҳида тар-биялаш куроли ҳамдир. Ёшлар бу фанни ўқиш, ўрганиш ва мутолаа қилиш жараёнида Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг ажралмас таркибий қисми ва бир бўлаги эканлигини англаб етадилар. Ўзбекистон азалдан кўп миллатли мамлакат эканлиги, ўзбек халқи ва буюк алломалар, фан ва маданият арбобларининг жаҳон тараққиётига қўшган муносиб ҳиссаси билан қонуний сурада фахрланадилар.

И.А.Каримов “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” номли рисоласида таъкидла-ганидек, “Биз комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганмиз. Комил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз. Онгли, билимли кишини эса олди-қочди гаплар билан алдаб бўлмайди. У ҳар бир нарсани ақл, мантиқ тарозисига солиб кўради. Ўз фикр-ўйи, хулосасини мантиқ асосида қурган киши етук одам бўлади”.

Барчага аёнки, маънавий баркамол кишилар халқ тақдири ва фаровонлиги, Ватан тақдири ва унинг равнақини ўйлайди. Улар мутеликда, қарамликда яшаш-ни истамайди. Шунингдек, инсоннинг инсонлиги унинг пок ва ҳалоллиги, фидойилиги билан ўлчанади. Тарихга назар ташласак, ота-боболар ҳамиша ҳалол бўлишга, фидойилик кўрсатишга даъват этиб келишган, ҳалол билан ҳаромни фарқлаш тўғрисида насихат қилишган. Шунинг учун Туркистон ҳудудида, хусусан, Ўзбекистонда узоқ ўтмишдан бошлаб, айниқса, таълим-тарбия учун мўлжалланган китобларда илми одоб, ҳусни одоб йўналишларига алоҳида эътибор қаратилган. Диний йўналишларда эса болаларни ёшлигидан бошлаб, барча инсоний фазилатлар маъносини ўзида мужассамлаштирган ҳадисларни ўқитиш, ўргатиш, ёдлатишга ҳаракат қилинган. Демак, шундай хулоса қилиш мумкинки, тарих – бу буюк устоз, тарих – бу тарбиячи, тарих – бу ҳаётий сабоқлар йиғиндиси. Тарихни ўрганиш – бу беминнат ўқитувчига шогирд бўлишдир. Шунинг учун ҳам яна бир бор ишонч билан айтиш мумкинки, баркамол инсоннинг шаклланишида Ўзбекистон тарихини билишнинг аҳамияти, ўрни беқиёсдир.

## **5. ТАРИХИМИЗНИ ХОЛИСОНА ЁРИТИШ ВА ЎРГАНИШ ТАМОЙИЛЛАРИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚИЛИШИ**

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ уни мустаҳкамлашнинг улкан вазифалари қаторида миллий истиқлол мафқурасини яратишдек долзарб вазифа ҳам кун тартибига қўйилди. Чунки мавжуд вазият эндигина мустақилликка эришган халқни онгу тушунчасидаги ҳали маълум бир шубҳа, қўрқувга ўхшаш ҳолатлардан, собиқ тузум ва ҳукмрон мафқуранинг асоратларидан озод этиш, қолаверса, янги, мустақил давлатнинг ўзига

хос, халқни тўғри йўлдан истиқболга бошлаб борувчи миллий истиқлол мафкурасини яратишни тақозо этди.

Албатта, миллий мафкуранинг ўзига хос теран илдизи, асослари бўли-ши керак. Бу ўринда ишни аввало яшаб турган мамлакатнинг, халқнинг -тарихини, аجدодлари босиб ўтган шарафли ва машаққатли йўл, улар ярат--ган моддий-маънавий меросни ўрганишдан, қолаверса, шўролар ҳукмрон-лиги даврида тарихнинг сохталаштирилган, ўчирилган томонларини ҳаққоний, адолатли ёритиб, халқ онгига сингдиришдан бошлаш зарур эди. Шу боис ҳам, Ўзбекистон Биринчи Президенти мустақилликнинг дас--т--лаб-ки кунлариданок тарихни, ўтмишни мукаммал ёритиш ва ўрганишга ало-ҳи-да эътибор қаратди. Чунки тарихни ўрганиш ва бу орқали халқ ўзлигини англаш – миллий мафкура-нинг ажралмас, таркибий қисми эди. Ўтмишни ўрганиб ўзликни англаш билан бир қаторда, аجدодлар, уларнинг тарих-даги ўрни ва келажак авлодлар учун бажариб кетган олижаноб ишлари, буюк мутафаккирларнинг иқтидори, ижоди жаҳон миқёсида довуғ таратгани, кўп минг йиллик босиб ўтилган даврларда бошдан кечирилган урушу босқинлар, қарамлик да-врлари – буларнинг барчаси ҳақидаги маълумотларни билиш ўзбек халқи онгида, тушунчасида жуда катта ижобий ўзгаришлар ясаши муқаррар эди. Бу ўтмиш кечинмалари миллий ғурур, миллий ифтихор туйғуларини вужудга келтириш билан бирга, айнаи дамда миллий истиқлол мафкураси ҳақидаги тушунчаю билимларни ҳам тезроқ ўзлаштиришни осонлаштиради. Шу боис ҳам давлатимиз, Ватан ва халқнинг асл тарихини ҳаққоний ёритиш ва ўрганишга эътибор қаратди. И.А.Каримов 1998 йилнинг июнида Республиканинг таниқли тарихчи олимлари билан учрашди ва бу учрашувда билдир-ган фикр-мулоҳазалари тарихни ёритиш ва ўрганишнинг муҳим тамойилларини ишлаб чиқишга асос бўлди ва И.А.Каримовнинг бу учрашувдаги нутқи 1998 йилда “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” номи билан рисола тарзида нашр этилди. Юртбоши таъкидлаганидек, ўзбек халқининг беқиёс маънавий бойлиги, ифтихори ҳисобланган 20 мингдан ортиқ қўлёзма, 10 мингдан ортиқ асарлар хазиналарда сақланмоқда. Бу меросни давлат раҳбари “... бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда кам топилади. Шунинг учун ҳам бу борада жаҳоннинг санокли мамлакатларигина биз билан беллаша олиши мумкин”, деб баҳолаган эди.

Айнан шу йиғилишда И.А.Каримов тарихнинг ўрни ва бугунги кундаги аҳамияти ҳақида тўхталиб: **“Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади”** деб, тарихни ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши зарурлигини асослаб берган эди. Шунингдек, XX аср бошларида маърифатчилик ҳаракатини эслатиб, бугунги кунда ҳам маърифатпарварликнинг аҳамияти ортиб бораётганлигини, **“маърифат – жамият нгтараққиётини асоси**, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч” эканлигини, тарихчилар эса ана шундай куч тарғиботчиси бўлиши лозимлигини таъкидлаган эди. Айнан шу жойда тарихнинг маънавиятда тутган ўрни ҳақида: **“Маънавиятини тиклаши, туғилиб ўсган юртида ўзини бошқалардан кам сезмай, бошини баланд кўтариб юриши учун инсонга, албатта, тарихий хотира керак”**, деган тавсифни берди.

Муаллиф ўз рисоласида ҳар бир инсон шу юртда яшар экан, аجدодлари кимлар эканини, миллатининг ибтидоси қаерда эканлигини, унинг оёққа туриши, тикланиши, шаклланиши



жараёни қандай кечганини билишни истабини таъкидлаб, **“Тарихий хотираси бор инсон – продали инсон. Такрор айтаман, продали инсондир.**

Ким бўлишидан қатъи назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. **Тарих сабоқлари инсонни хушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди**”, дейди.

Яна мазкур рисолада совет даврида ёзилган тарих ҳақида тўхталиб, бу тарихни шу тузум мафкурасига мослаб сохталаштирилганини, юрт, халқ тари-хини имкон қадар бўёқларга бўйганларини, натижада халқни ўз тарихидан жудо қилишга ҳаракат қилинганини **“Инсон учун тарихдан жудо бўлиш – дан-ҳаёт жудо бўлиш демакдир”**, деб айтади ва ўзбек давлатчилиги тарихига тўхталиб, узоқ йиллар давомида совет тарихчиларининг “ўзбек давлатчилиги 1924 йилдан бошланган” деган уйдирмаларини илмий жиҳатдан фош этиб, энг мўътабар, қа-димги қўлёзма “Авесто” бундан салкам уч минг йил муқаддам икки дарё оралиғида умргузаронлик қилган қадимий халқнинг авлодларига қолдирган маънавий, тарихий мероси эканлигини, айнаи замонда “Авесто” бу қа-дим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжат эканлигини ва уни ҳеч ким инкор эта олмаслигини таъкидлади. Муаллиф бу илмий хулосаларни бериш билан ўзбек давлатчилиги тарихи бундан уч минг йил муқаддам бошланганини билдириб, тарихчиларимизга бу борада тадқиқотлар орқали ўз илмий хулосаларини бериш, ўзбек давлатчилиги-нинг илмий нуқтаи назардан асосланган тарихини яратиш вазифасини юклайди.

“Ҳаммамиз шу тупроқнинг сувини ичганмиз, нон-тузини еганмиз. Ҳаммамиз ўзимизни ўзбек санаймиз. Ўзбеклигимиздан фахрланамиз, ғурурланамиз... Қадим аждодларимиз ҳаётининг асосини ўтроқ маданият ташкил этганми ё кўчманчими? Ўзбек халқининг шаклланишида қандай элатларнинг таъсири бўлган? Биламан, булар оғир саволлар. Лекин уларга жавоб топишимиз зарур”, дейди И.А.Каримов. Айнаи бу масала кўйилиб, ўзбек ўзини миллат деб атар экан, ўзбек эканлиги ҳақида аниқ тушунчага эга бўлишини эслатиб, тарихчи олимлар зиммасига қатъий вазифалар юклатилади.

Рисолада телевидение, матбуот ва айрим китобларда ўзбек халқи тарихини ноҳолис, ноилмий талқин этишларига, ва айниқса, “хун”ларга ворислик ҳақидаги фикрларига қарата: “Босқинчига ворис бўлиш фахрли мартаба эмас, иснод-ку”, ...аллақандай атиллаларга ворис бўлиш бизга мутлақо ярашмайди... Кимларгадир ворис бўлиш керак бўлса, биз Берунийларга, Бухорийларга, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобурларга ворис бўламиз. Ўзбекнинг феъл-атвори барчага аён ....Ўзбек том маънода бунёдкордир. Унга бировнинг ери керак эмас. Мабодо қўлига қурол олгудай бўлса, фақат ўзини ҳимоя қилиш учунгина олади”, дейди И.Каримов ва шу ўринда ўзининг “Тафаккур” журналига берган интервьюсида Амир Темурнинг “Куч – адолатда” деган фикрини ривожлантириб, “Куч – билим ва тафаккурда” деган ғояни ўртага қўяди ва буюк соҳибқироннинг ғайрат-шижоати, юксак ақл-заковати, тадбиркорлиги, элпарварлиги билан ўзбек халқига ҳамиша ибрат намунаси бўлиб қолаётганлиги, халқ у олий зотдан ҳамиша руҳий мадад олишини эслатади.

И.А.Каримов ўзбек халқининг этник шаклланиши масаласини ёритиш ва ўрганишда Мовароуннаҳрга не-не босқинчилар кириб келиб, бир неча асрлар давомида юртда ўзга

сулолалар ҳукмронлик қилганини, бироқ барибир ўзбек халқи муқим қолганини, бунинг асосий сир-синоати қадим-қадимдан ўзбек халқининг ўтроқ яшагани, илм-маърифатга интилгани, буюк маданиятга эга бўлгани, ўз урф-одатларини муқаддас билгани учун ўзлигини сақлаб қолганини инобатга олган ҳолда бу масалани тадқиқ этиш лозимлигини уқтириб: **“Биз халқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиз, нинг-тарихи таг-томиригача назар ташлаймиз”**, деб хулосалайди. Айнан шу жойда, босқинчилар келиб сиёсий ҳокимиятни қўлга олиб, барча имкониятлардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга зўр берганликларини айтади, ва лекин шу ерда асрлар давомида яшаб келаётган маҳаллий аҳолини, унинг кўп йиллик маданиятини йўқ қилолмагани ва қилолмаслигини ҳам асослаб беради.

Биргина сўнгги 130 йиллик мустамлакачилик даврига тўхталар экан, И.Каримов: “... ана шундай ҳар томонлама мудҳиш, четдан қараганда, халқи-миз, унинг маданияти, миллий тафаккури, урф-одатлари, турмуш тарзи, ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, насл-насаби йўқ бўлиб кетиши керак бўлган шароитда барибир, қатор йўқотишлар билан бўлса ҳам, миллатимиз ўзлигини сақлаб қололдими ё йўқми? Олимларимиз шу саволга жавоб берсинлар”, деб тарихчи олимларга мурожаат қилади. Шу билан бирга, бугунги кунда юксак маънавиятли комил инсонни шакл-лантириш ва унинг жамият ривожига ҳиссасини, маънавият тушунчаси тараққиётимизнинг устувор соҳасига айланганини эътиборга олиб, **“тарих – халқ маънавиятининг асоси”** эканлигини ҳам асослаб, олимлар олдига миллатга унинг асл тарихини кўрсатиб, исботлаб беришлари керак, деган долзарб вазифани қўяди.

Рисолада буюк аждодларнинг тарихда тутган ўрни, бу борада соҳибқирон Амир Темурнинг бунёдкор ва давлатчилик асосларини яратганлиги, Хўжа Аҳрор Валийнинг Марказий Осиёдаги халқ-ларни бирлаштириш, сиёсатчилар-нинг бошини қовуштириб, ҳар хил тўқнашувларнинг олдини олишдаги хизматлари кўрсатилиб, улар қолдирган мероснинг буюклиги асослаб берилиши билан бирга, босқинчи ҳукмдорларда ҳеч бир мерос қолмагани ҳам таъкидланиб: **“Модомики, ўз тарихини билган, ндану руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, тимизни-милла ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур. Тарих билан қуроллантириш, яна бир бор қуроллантириш зарур”**, деган хулоса берилади ва бу хулосалар асосида Фанлар Академияси, Тарих институти олимлари ҳаққоний та-рихни ёритиш мезонларини, унинг пойдеворини, асосини белгилаб беришлари керак, деган вазифа қўйилади.

Муаллиф тарих фани маҳсули – унинг хулосаларидан ўз сиёсатларини оқлаш, уни олға суриш, тарғиб этиш, узвийлигини таъминлаш, обрўсини қўтариш учун сиёсатчилар фойдаланишларини баён этиб, **“Фан давлатга, халққа, жамият тараққиётига хизмат қилиши лозимлигини унутишга асло ҳаққимиз йўқ”**лигини, ўзбек халқининг миллий туйғусини, миллий ғурурини уйғотадиган тарихий-илмий хулосалар кераклиги тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтади. Ҳаққоний тарихни ёритиш ва ўргатишда тарихчи мутахассислар, олимларнинг ўрни ва ролига тўхтаган И.Каримов бундай кадрларни тайёрлашни университетлардан, яъни бошланғич нуқтасидан яхшилаш лозимлигини, тарихга

ихтисослашган мактаблар очиш, бунинг учун, аввало, мукаммал дарсликлар яратиш, ўқитувчиларни ўзини қайтадан ўқитиш кераклигини уқтиради. Шунингдек, улар орасида довьорак, замонавий фикрлайдиган олимлар бўлишини истаб, тарихчи олим, академик Яҳё Гуломовнинг жасурлиги, адолатни ҳамма нарсадан устун қўйган ватанпарвар инсон бўлганлигини мисол келтириб, “ана шундай одамлар ҳаёти бизга ибрат мактаби бўлмоғи лозим”лигини таъкидлайди.

И.Каримов “Тафаккур” журнали муҳбири билан қилган суҳбатида **“сиёсатда ҳам, ижтимоий ҳаётда ҳам, фанда ҳам вакуум – бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик керак. Яъни, агар ўз ғоянг бўлмаса, сенинг юртингда чет ғоя келиб ҳукмронлик қилади”**, деган фикрни айтиб, мустақил фикрлайдиган олимлар ўз давлати, халқи, миллати тарихини ўзлари тикламаса, ўзлари ёзмасалар, уни бошқалар бошқача ёзишлари, фақат ёзишгина эмас, ўсиб келаётган авлодни, ҳатто, ўзбек олимларини ҳам ўз йўриқларига солиши мумкин, деб огоҳлантиради. Ўзбек давлати, ўзбек халқи тарихини ёритишда ўзга ғоя ҳукмронлик қилишига йўл қўймаслик учун, **“ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас”**лигини, буюк давлат кураётган Ўзбекистоннинг тарихий асоси, қарийб 3000 йиллик буюк давлатчилик ўтмиши борлигини уқтириб, қуйидаги вазифаларни олға суради:

– аввало, кўп минг йиллик бой ўтмишни тадқиқ этишнинг яхлит концепциясини, яъни дастурини, илмий изланишларининг услубини ишлаб чиқиш;

– қўйилаётган вазифани амалга оширадиган илмий муассасалар, улардаги потенциал кадрлар масаласини аниқлаб олиш;

– Фанлар Академиясига қарашли Тарих, Шарқшунослик, Археология инс-титутлари, шу соҳага тааллуқли илмий муассасалар таркибини, иш фаолиятини ўзгартириш;

– Тошкент Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) ва бошқа ўқув даргоҳларидаги тарих факультетларининг дарсликлар, таълим-тарбия масалаларидаги камчиликларини аниқлаб, уларнинг фаолиятини такомиллаштириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

– керак бўлса, уларда ишлаётган олим ва мутахассислар фаолиятига танқидий ёндашиб, ким шу ишга лойиқ, нолойиқлигини аниқлаш ва зарур бўлса, янги гуруҳлар тузиб, уларга моддий ёрдам бериш;

– фанда ўзбекнинг тарихий томирларини аниқлайдиган, миллий ғурурни юксалтирадиган янги йўналишлар яратиш;

– бу борада, яъни Ўзбекистоннинг узоқ ўтмиши, тарихий томирлари бўйича мустақил фикрга, чуқур илмий асосга эга бўлиш.

Шу тариқа И.А.Каримовнинг 1998-йил ўзбек тарихчи олимлари билан учрашувида сўзлаган нутқи ва шу асосда нашр этилган “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” рисоласида ўзбек давлати, миллатининг ҳаққоний илмий тарихини яратиш вазифаси кенг жамоатчилик учун муҳим ва долзарб масалага айланди.

XX аср охири XXI аср бошларида дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучларнинг бошқа мамлакатларни тобе қилишга интилишлари натижасида уларнинг энг буюк бойликлари

бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринишлари кучаймоқда. Бундай таҳдидлар ўз-ўзидан мамлакат хавфсизлиги, миллий манфаатлари, соғлом авлод келажагига хавф солиб, оқибатда жамият инқирозига олиб келиши мумкин. Шу боис ҳам, И.А.Каримовнинг халқ тарихи унинг маънавияти асоси эканлигини инобатга олиб, бундай маънавий таҳдидларнинг олдини олиш, бу борада амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар, бугунги мураккаб глобаллашув даврида халқ маънавиятини асраш ва юксалтириш, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг қалби ва онгини турли зарарли ғоя ва мафкуралар таъсиридан сақлаш ва ҳимоя қилиш масалаларини ёритиш мақсадида **“Юксак маънавият – енгилмас куч”** номли асари кенг китобхонлар оммасига тақдим этилди.

Эътиборли томони шундаки, ушбу китобда ҳам юрт ва халқ тарихининг комил инсон тарбиясидаги ўрни ва аҳамиятига муҳим эътибор қаратилган. Шу сабаб ҳам И.А.Каримов маънавиятни асраш, юксалтириш ва уни турли таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун нима қилиш лозим деган саволга “...авваламбор шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзлигини англаши, қадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, улуғ аجدодларимизнинг меросини чуқурроқ ўзлаштириши, бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикрлаши ва диёримиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшаши зарур”, деб жавоб беради.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг юрт ва халқ олдидаги буюк хизматларидан бири – маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонларнинг биринчилари сифатида маънавий **мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар** эканлигини асослаб берганини алоҳида таъкидлаш лозим. И.Каримов бу мезонларни таҳлил қилар экан, табаррук ўзбек заминида етишиб чикқан олиму уламо, сиёсатчи ва саркардаларнинг жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо улуши ва хизматларининг беқиёслиги, уларнинг бу хизматлари ўзбек халқи учун ғурур ва ифтихор бағишлашини кўрсатиб беради.

Аждодлар тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, кутубхоналар хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, тарихий асарлар халқнинг буюк маънавий бойлиги эканлигини қайд этиб: “Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам топилади”, деб эътироф этади.

Асарда бебаҳо маънавий обида, йирик қадимий манба “Авесто” ҳақида тўхталиб, бу ноёб ёдгорликнинг неча минг йиллар мобайнида оғир синовлардан ўтиб, бугунги кунгача етиб келганининг ўзида катта маъно борлиги, бундай ўлмас осори-атиқалар бу кўхна ўлкада, бугун биз яшаб турган туп-рокда қадимдан буюк маданият мавжуд бўлганидан гувоҳлик беради, деб келтирилади.

“Авесто”нинг маъно-моҳиятини белгилаб берган “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” тамойилига И.Каримов: “Ана шундай фикрлар, яъни, эзгу ният, сўз ва иш бирлигини жамият ҳаётининг устувор ғояси сифатида талқин этиш биз-нинг бугунги маънавий идеалларимиз билан нақадар узвий боғлиқ, нечоғлиқ мустаҳкам ҳаётий асосга эга экани, айниқса эътиборлидир”, деб баҳо бериб, кўхна тарихни кўз ўнгидан ўтказиб таҳлил қилар экан, “...ота-боболаримиз руҳий олами-нинг томирлари айнан юқорида зикр этилган маънавий заминда, та-рихда ҳам, бугун ҳам барчанинг ҳавасини тортиб келаётган олижаноб фазилатлар

орасида шакл-ланган”, деган хулосага келади. Ўзбек заминида етишган буюк алломалар, тарихий шахслар ҳаётининг таҳлилида эса, уларнинг нафақат дунё миқёсида, балки шу халқ ва юрт учун қилган хизматларини ҳам баҳо-лайди. Жумладан, ўзбек тарихининг ёрқин, юксалиш даври асосчиси соҳиб-қирон Амир Темурга: “...Тенгсиз азму шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бу мумтоз сиймо буюк салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ўзидан ҳам амалий, ҳам назарий мерос қолдирди, илму фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига кенг йўл очди”, деб баҳо беради. Айниқса, Соҳибқироннинг “Темур тузуклари”ни ўзига қанчалик руҳий куч-қувват беришидан ифтихор ҳиссини туйиб, бу китобдаги сўзлар бугунги кунда ҳам маънавий жиҳатдан нақадар долзарб аҳамият касб этишини таъкидлайди.

Асарда ҳар бир халқ миллий кадриятларининг ўз мақсад-муддаолари, шу билан бирга, умумбашарий тараққиёт ютуқлари асосида ривожлантириб, маънавий дунёсини юксалтириб боришга интилар экан, бу борада **йтарихи хотиранинг** алоҳида аҳамият касб этиши қайд этилади ва -муаллиф”... тарихий хотира туйғуси тўлақонли равишда тикланган, халқ босиб ўтган йўл ўзининг барча муваффақият ва зафарлари, йўқотиш ва қурбонлари, қувонч ва изтироблари билан холис ва ҳаққоний ўрганилган тақдирдагина чинакам тарих бўлади”, дейди. Шунингдек, XVII асрдан XX аср бошларигача Ўзбекистонда ҳукм сурган сиёсий парокандалик, жаҳолат ва қолоқлик даври тарихи хусусида тўхталиб: “XIX асрдаги чоризм истилоси кўпгина сабаблар билан бир қаторда, авваламбор ўша пайтда мавжуд бўлган сиёсий бошбошдоқлик, ҳукмрон кучларнинг узокни кўрмаслиги, маънавий заифлиги оқибатида рўй берганини тарихий мисоллар исботлаб турибди. Бу аччиқ ҳақиқат барчамизга, айниқса, бугун ҳаётга катта умид ва ишонч билан кириб келаётган ёшларимизга доимо сабоқ бўлиши лозим”лигини алоҳида таъкидлаб ўтади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” ва “Юксак маънавият – энгилмас куч” асарлари ўз тарихини холисона ва ҳаққоний баҳолаб, маънавий мероснинг бойиши ва ривожланишига, шу асосда бугунги жаҳон илму фани ва маданиятининг юксак чўққиларини эгаллашдек буюк вазифага ҳар томонлама муносиб ва қодир авлодни етиштиришга дастуриламал бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

## **II БОБ: ЎЗБЕКИСТОН ИНСОНИАТ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИНИНГ ЭНГ ҚАДИМИЙ ЎҶОҚЛАРИДАН БИРИ**

### ***Мавзу режаси:***

1. Ўзбекистон ҳудуди қадимдан инсонлар яшаб келаётган ўлка. Палеолит даври. Антропогенез.
2. Инсониятнинг мезолит, неолит, энеолит, бронза даврларидаги ҳаёт тарзи ва манзилгоҳлари.